

МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ЖАЗОСИНИНГ ЖАЗО ТИЗИМИДА  
ТУТГАН ЎРНИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Қўчқоров Жалолиддин Нурилла ўғли

Тошкент давлат юридик университети магистранти

Электрон почта: jalolbek070@gmail.com

**Аннотация:** Мақола Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо тушунчаси, унинг жазо тизимида тутган ўрни ҳамда ушбу жазо турининг ривожланган хорижий давлатларда қўлланилиши асосларини таҳлил қилишга ва ушбу тажрибадан фойдаланган ҳолда қонунчилигимиз билан таққослашга бағишланган.

**Аннотация:** Статья посвящена анализу понятия наказания в виде обязательных общественных работ, его роли в уголовно-исполнительной системе и оснований применения этого вида наказания в развитых зарубежных странах, а также использованию этого опыта для сравнения его с наше законодательство.

**Калит сўзлар:** мажбурий жамоат ишлари, жазо, жазо тизими, муқобил жазо, асосий ва қушимча жазо.

Бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида давлатимизда кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Шундай ишлардан энг самаралиси қонунчиликда олиб борилаётган жазо тизимидаги ислохотлардир. Жиноят қонунчилигимиздаги жазолар шахсни фақатгина содир этган жинояти учун жазолашга йўналтирилиб қолмасдан, балки шахсни қайта тарбиялаш, у содир этган жиноятининг мохиятини тушинтиришга қаратилгандир. Жазо тушунчасига ва мақсадларига Жиноят кодекси 42-моддасида қуйдагича тушинтириш берилган:

“Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”<sup>14</sup>.

Ушбу модда мазмунидан кўринадики, жазо фақатгина жиноят содир этган шахсга давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган мажбурлов чорасидир. Бу мажбурлов чорасини жиноят содир этишда айбли деб топилган ҳар қандай

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (2019 йил 1 июлгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази. 2019 й. – 552 б.

шахс бажариши шарт, чунки қонун ҳамма учун баробардир. Жиноят қонунчилигида қўлланиладиган жазо турлари Жиноят кодекси 43-моддасида қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга ушбу жазо турларидан бошқа жазо турлари қўлланилиши мумкин эмас.

“Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- б<sup>1</sup>) мажбурий жамоат ишлари;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д<sup>1</sup>) озодликни чеклаш;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин”<sup>15</sup>. Муайян жазо турлари жамулжам ҳолда жазо тизимини ташкил этади.

- а) жазоларнинг уйғунлигига қараб асосий ва қўшимча жазоларга;
- б) субъектларнинг хусусиятига қараб ҳар қандай шахсларга тайинланувчи умумий жазоларга ва муайян шахслар доирасига тайинланувчи махсус жазоларга ажратилади.

Бундан ташқари жазолар озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган ва у билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга: жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш кабилар киради.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазоларга: интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазолари киради.

Ҳозирда оғир, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (2019 йил 1 июлгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази. 2019 й. – 552 б.

кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 7-моддасида “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак” дейилади.

Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга асосий жазолардан ташқари қуйидаги қўшимча жазолар ҳам қўлланилиши мумкин. Қўшимча жазо деганда жазонинг мақсадига янада самарали эришиш учун асосий жазо билан бирга тайинланадиган жазо тушунилади. Қўшимча жазоларга қуйидагилар киради: муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Маҳқумларга асосий ва қўшимча жазолар билан биргаликда аралаш турдаги жазолар қўлланилиши мумкин. Аралаш турдаги жазо деганда жиноят учун ҳам асосий, айна дамда қўшимча жазо тури тариқасида тайинланиши мумкин бўлган жазо тушунилади. Асосий жазолар мустақил тарзда тайинланади ва бошқа жазога қўшилиши ҳам, ўзаро уйғунликда қўлланилиши ҳам мумкин эмас. Қўшимча жазо эса фақат асосий жазога қўшиб қўлланилади. Бунда қўшимча жазо ўз хусусиятига кўра асосий жазодан оғир бўлиши мумкин эмас, ҳуқуқий чеклашлар мазмунига кўра эса ундан фарқ қилиши лозим.

қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Мажбурий жамоат ишлари жазоси жиноят қонунчилигига янги киритилган жазо тури ҳисобланиб, мазкур жазо Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Қонунига асосан жиноят қонунчилигига жиноий жазо сифатида киритилган. Ушбу жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларни маош тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишда ифодаланади. Агар ушбу жазо қўлланилган шахс бирор жойда ишласа ёки таълим олса унинг ишдан ёки ўқишдан ажралмаган холда мажбурий жамоат ишлари жазосини ўташи таъминланади.

Маҳқумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жиноий жазо жиноят кодекси 45<sup>1</sup>-моддасида белгиланган муддатлардан ошмаган холда, яъни:

- бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга;

- олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ижро этиш шарти билан тайинланади.

Бироқ, жазонинг ўташ даврида маҳкум билан боғлиқ бўлмаган узилишлар юз берса жазони ижро этиш кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда бир йилгача бўлган муддатда ўталади.

Жамиятдаги айрим шахсларга Мажбурий жамоат ишлари жазосини қўллаб бўлмайди. Қуйидаги шахсларга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жиноий жазони қўллашга йўл қўйилмайди:

- пенсия ёшига етганлар;
- ўн олти ёшга тўлмаганлар;
- ҳомиладор аёллар;
- уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар;
- биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;
- ҳарбий хизматчилар;
- чет эл фуқаролари;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиганлар.

### **Мажбурий жамоат ишлари жазоси қўлланилишида хориж тажрибаси**

Мажбурий жамоат ишлари жазоси турли хил давлатларда турлича қўлланилишини кўришимиз мумкин.

МДҲ давлатларидан Арманистон (ЖК 54-модда), Беларус Республикаси (ЖК 49-модда), Грузия (ЖК 44-модда), Латвия (ЖК 40-модда), Литва (ЖК 46-модда), Молдова (ЖК 67-модда), Озарбайжон (ЖК 47-модда), Россия Федерацияси (ЖК 49-модда), Украина (ЖК 56-модда), Қирғизистон (ЖК 61-модда) ва Қозоғистон (ЖК 42-модда) давлатларининг жиноят қонунларида ҳам мазкур жазо тури назарда тутилган бўлиб, улар турлича номланади. Мисол учун, Арманистон, Беларус Республикаси, Озарбайжон, Украина, Қирғизистон, Қозоғистонда жамоат ишлари деб, Грузияда ижтимоий фойдали меҳнат, Молдовада жамият фойдасига ҳақ тўланмайдиган меҳнат, Латвия, Россия Федерацияси, Тожикистонда мажбурий меҳнат ҳамда Литвада оммавий ишлар деб аталади.

Гарчи ман бўлса-да, улар мазмунан бир хил жазо тури ҳисобланади ва фақатгина бир-биридан жазо муддати, тайинлашнинг айрим шартлари билан фарқланади.

Қуйида ушбу хорижий давлатларда мазкур жазо турининг қўлланилиши ҳамда давлатимиз қонунчилигидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Хусусан, Россия давлати жиноят кодексининг 49-моддасида давлатимиз қонунчилигидан фарқли равишда ушбу жазо тури “мажбурий меҳнат” деб номланади. Ушбу моддага кўра:

“Мажбурий меҳнат маҳкумнинг асосий ишидан ёки ўқишидан бўш вақтида бепул ижтимоий фойдали ишларни бажаришидан иборат. Мажбурий меҳнатнинг тури ва улар ўталадиган объектлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жазони ижро этиш инспекциялари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Мажбурий меҳнат олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга белгиланади ва кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

Юқорида айтилганидек МДХ давлатларидан бири бўлган Арманистон давлатининг жиноят кодексида ушбу жазо “жамоат ишлари” деб номланишини кўришимиз мумкин. Хусусан мазкур кодекснинг 54-моддасига кўра:

“Жамоат ишлари маҳкумнинг асосий ишидан ёки ўқишидан бўш вақтида ваколатли орган ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан белгиланадиган жамият манфаати учун ҳақ тўланмайдиган ишларни бажаришдан иборат.

Жамоат ишлари икки юз етмиш соатдан икки минг икки юз соатгача муддатга белгиланади. Жамоат ишлари жазони ижро этиш бўйича қарор олинган кундан бошлаб йигирма кун муддат ичида тайинланади.

Ишни кўриб чиқишда суд маҳкум томонидан содир этилган жиноятнинг жамият учун хавфлилик даражасини, унинг моҳиятини, маҳкумнинг шахсини, етказилган зарарни қоплаш туғрисидаги даъвонинг бор ёки йўқлигини инобатга олади.

Жамоат ишлари биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони деб топилган шахсларга, ҳукм чиқарилиш вақтида ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, пенсия ёшидаги шахсларга, ҳомиладор аёлларга ва ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга тайинланмайди.

Беларус республикасининг жиноят кодексида ҳам мазкур жазо тури “жамоат ишлари” деб юритилади. Жиноят кодексининг 49-моддасига кўра:

“Жамоат ишлари маҳкумнинг жамият манфаати учун текин меҳнатни бажаришидан иборат бўлиб, унинг тури жамоат ишларидан фойдаланишга масъул бўлган органлар томонидан белгиланади.

Жамоат ишлари олтмиш соатдан уч юз олтмиш соатгача бўлган муддатга белгиланади. Та’лим олаётган ёки доимий иш жойига эга жамоат ишларига маҳкумларга ўқишдан ёки асосий ишдан бўш вақтларида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган муддатда тайинланади. Та’лим олмаган ва доимий иш жойига эга бўлмаган маҳкумларга уларнинг розилиги билан кунига тўрт соатдан ортиқ, лекин саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатда тайинланиши мумкин.

Жамоат ишларини қуйидагиларга тайинлаш мумкин эмас:

- 1) ўн олти ёшга тўлмаган шахслар;
- 2) умумий белгиланган пенсия ёшига этган шахслар;
- 3) ҳомиладор аёллар;
- 4) ота-она таътилида бўлган шахслар;
- 5) I ва II гуруҳ ногиронлари;
- 6) ҳарбий хизматчилар;
- 7) Беларус Республикасида доимий истиқомат қилмайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- 8) сил касаллигининг фаол шаклига чалинган шахслар.



Агар шахс томонидан жамоат ишларини ўташ даврида ушбу модданинг 4-бандида назарда тутилган ҳолатлар юзага келса, суд жазони ижро этиш юкланган органнинг тақдимига биноан шахсни жазони кейинги ўташдан озод қилади.

МДХ давлатларидан яна бири Грузия қонунчилигида бошқа давлатлардан фарқли равишда ушбу жазо тури “ижтимоий фойдали меҳнат” деб номланади. Грузия жиноят кодексининг 44-моддасига кўра: “Ижтимоий фойдали меҳнат деганда маҳкумнинг ҳақ олинмайдиган меҳнати тушунилади, унинг турлари Пробация бюроси томонидан белгиланади. Ижтимоий фойдали меҳнат қирқ соатдан саккиз юз соатгача бўлган муддатга тайинланади. Агар жарима ижтимоий фойдали меҳнат билан алмаштирилса ёки Грузия жиноят кодексининг 73-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ёки тарафлар ўртасида протсессуал битим тузилган бўлса, у узоқроқ муддатга тайинланиши мумкин. Бундай ишнинг давомийлиги кунига саккиз соатдан ошмаслиги керак.

Агар маҳкум ижтимоий фойдали меҳнатни бажаришдан воз кечса ёки ундан қасддан бўйин товлаган бўлса, ушбу турдаги жазо жарима, озодликдан чеклаш ёки қамоққа олиш билан алмаштирилади. Шу билан бирга, маҳкумнинг ушбу жазони ўтаган вақти ҳисобга олиниб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш муддати қуйидаги ҳисоб-китоблар бўйича: ижтимоий фойдали меҳнатнинг беш соати озодликдан чеклаш озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенг қилиб олинади.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар, этти ёшга тўлмаган болалари бор аёллар, пенсия ёшидаги шахслар, шунингдек муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ижтимоий фойдали меҳнатга тайинланмайди.

Ижтимоий фойдали меҳнат, агар бу қонунда назарда тутилмаган бўлса, қўшимча жазо тури сифатида белгиланиши мумкин”.<sup>16</sup>

Грузия қонунчилиги бўйича мазкур жазонинг тайинланишида юртимиз қонунчилиги билан қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўришимиз мумкин:

Ушбу жазони тайинловчи ва назорат қилувчи органлар тури, мазкур жазо тури тайинланиши мумкин бўлмаган субъектлар таркиби ва маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда қонунчилигимиздаги каби озодликдан чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан алмаштирилиши ҳолатларини давлатимиз қонунчилигига ўхшаш жиҳатлар сифатида олишимиз мумкин.

<sup>16</sup> Уголовный Кодекс Грузии № 2287-вс от 22.07.1999 года. Статья 73.

**ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:**

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (2021 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т.: “Yuridik adabiyotlar publish” 2021;

I. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Инсон ҳуқуқлари. – Т.: Адолат, 2010;

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/3735818>;

III. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi. Umumiy qism: Chizmalar albomi // A.S.Yakubov, R.Kabulov, B.B.Matlyubov, D.Y.Payziyev, T.R.Kuchkarov. - Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi. 2014;

IV. Уголовный кодекс Российской Федерации" (08.04.2021) [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/b9ab9819ab2d12f2938889cc08a5baa909989122](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/b9ab9819ab2d12f2938889cc08a5baa909989122);

V. Уголовный кодекс Республики Армении [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=7472](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=7472);

Уголовный кодекс Республики Беларуси

VI. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30414984](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30414984);

Уголовный кодекс Республики Грузии

VII. [https://www.studmed.ru/view/ugolovnyy-kodeksgruzii\\_891bbde96ec.html?page=1](https://www.studmed.ru/view/ugolovnyy-kodeksgruzii_891bbde96ec.html?page=1).